O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 8-dekabr • № 50 (3827)

# ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, 8 декабр — Конституциямиз қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ушбу қутлуғ сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди.

Мана, ўн уч йилдирки, биз эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Ана шу ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилдик.

Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган ғоят мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида қандай жараёнларга дуч келмайлик, қандай оғир синовларни бошимиздан кечирмайлик, Конституциямиз ҳамиша юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда яккаю ягона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ушбу конституцион тамойилга биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзининг кундалик фаолиятида оғишмай риоя қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда **«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»** деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки ғалла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз холисона тан олишимиз керак — кўпинча кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз.

Шу борада яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди.

Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга етишиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва ғовлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошкора гапириш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.

Очиғини айтганда, собиқ тузумга хос қолдиқ ва асоратлар, барчамизнинг онгимизда ҳали-бери сақланиб қолаётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Барака топкурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни аввало ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен учта муҳим масалага алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

**Иккинчидан,** мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.

Токи шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

**Учинчидан,** ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгиланиш ва янги жамият қуриш йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойиллари ҳақида мухтасар қилиб, қисқа тарзда эслатиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзида учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун аксарият давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди-энди бу жараёнга киришмоқда.

**Иккинчидан,** барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарса.

Бу ҳақиқатни охирги даврда жуда кўп мисолларда кўриш мумкин.

Демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган.

Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва халқимизнинг дунёқарашига асосланади.

**Давоми иккинчи бетда.**



# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Улуғ байрамларимизни шодиёна билан нишонлаш эзгу удумларимиздан. Анъанага кўра энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.**

**Оқсарой қароргоҳида 7 декабр куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.**

— Бугун Оқсарой қароргоҳида, мана шу муҳташам залда Конституция байрами арафасида сизлар билан учрашиб, дийдор кўришиб турганимдан хурсандман, — деди Юртбошимиз. — Авваламбор, юксак мукофотларга сазовор бўлган сиз, азизларни давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик, ишларингизга омадлар тилайман.

Бугун юртимизнинг қайси минтақасини олмайлик, марказда, яқин ва узоқ жойларда бўладими, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётгани, давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ортиб, иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритилаётган салмоқли ютуқларимиз, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бундай ўзгаришлар мана шундай бунёдкорлик ишларида бизларнинг ҳам иштирокимиз, ҳиссамиз бор, деб барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мана, ўз ниҳоясига етиб бораётган, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин олаётган 2005 йилнинг якунига эътибор қаратайлик. Диққатингизни фақатгина уч-тўртта рақамга жалб қилмоқчиман, — деб таъкидлади Президентимиз.

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 107 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 124 фоизга ўсгани, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлмиш ғаллачиликда 6 миллион тонна, яъни 90-йилларга нисбатан ўн карра кўп, пахтачиликда 3 миллион 750 минг тонна, яъни охирги ўн йил давомида энг катта ҳосил олишга эришилгани, янги-янги замонавий саноат корхоналари, шинам уй-жойлар, шифохоналар, мактаб, лицей ва коллежлар ишга туширилаётгани, амалга оширилаётган кенг кўламдаги ободончилик ишлари бу фикрни яққол тасдиқлайди ва исботлайди.

Бизнинг бундай изчил ва барқарор суръатлар билан олдинга қадам қўяётганимизнинг асосий сабаби ва пойдевори нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий, албатта.

Ўйлайманки, биринчи навбатда, бундай амалий ҳаракатларимизнинг асосий омили ва мезонини халқимизнинг, одамларимизнинг сиёсий савияси ўсишида, ўзгариб бораётган дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабатида, шу муқаддас юртга эгалик ҳиссиёти тобора ортиб бораётганида кўришимиз даркор.

Уларнинг негизида мана шу мўътабар заминда яшаб, ўз иши, ўз касбига садоқат қўйиб, самарали меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлиб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг ақл-заковати, куч-ғайрати, билим ва истеъдоди мужассам эканини бугун яна бир бор мамнуният билан эътироф этамиз.

Мамлакатимиз — Ватанимиз тинчлиги ва тараққиётига, юртимизни обод, ҳаётимизни фаровон қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган — бу қайси соҳа ва тармоқ бўлмасин, ундан қатъи назар — бундай фидойи инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш давлатимиз, жамиятимизнинг шарафли вазифаси, бурчидир.

Шу маънода, бугун мана шу муҳташам зални тўлдириб ўтирган сиз, азизларни ана шундай ватандошларимизнинг муносиб вакиллари десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, — деди Президентимиз.

Бу ҳақда гапирганда:

авваламбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган, ерга доимо қалбини, меҳрини бериб яшайдиган заҳматкаш деҳқонларимиз, корхоналаримизда астойдил тер тўкиб меҳнат қилаётган ишчиларимиз вакилларига;

маънавий ҳаётимиз таянчи бўлган илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат олами фидойилари, ижодкор зиёлиларимиз намояндаларига;

Ватанимиз мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраш, тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлашнинг мустаҳкам ва ишончли гарови бўлмиш ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ходимларига;

жаҳон майдонларида юртимиз шуҳратини бутун дунёгаараннум этаётган спортчи ўғил-қизларимизга — барча-барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун яна бир бор Ватанимиз, бутун халқимиз номидан чин қалбимдан миннатдорлик билдириш, раҳмат айтишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан, — деди Ислом Каримов.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, куни кеча, бугун жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширилаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим каби ғойибона бағримга босиб, самимий табриклайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Барчангизга ярашиб турган, эл-юртимизнинг ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган мана шу унвон, орден ва медаллар сизларга буюрсин, янги ва юксак марралар сари руҳлантирсин. Ҳаммангизга тинчлик-омонлик оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман, — деди Президентимиз Ислом Каримов.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Агитай Адилов, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Шавкат Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ойдин Анорова, «Жасорат» медали нишондори Авазбек Тожибоев, «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндорлари Ирина Павловская, Файзулла Ахмедов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

**ЎзА**

# ЕРГА СОЧСАНГ МЕҲРИНГНИ...

## ёхуд фермер бўлиш осонми?

***Биз ўзимиз яшаб турган заминни она ер деб эъзоз этамиз. Киндик қонимиз томган ҳар қарич тупроқни кўзимизга тўтиё қиламиз. Чунки тириклигимиз манбаи шу ердир.***

***Инсон ўзи ва фарзандлари ҳаёти учун зарур бўлган ноз-неъматларни ердан олади, шу ерда етиштиради. Шунинг учун ҳам ер, тупроқ бизга ҳаёт бахш этган онамиз каби мўътабар, онамиз каби азиздир.***

Заминда унувчи табиий неъматлар ҳаёт учун камлик қилганда инсон ернинг тилини билиб унга уруғ қадайди, ниҳол экади. Боғ ва экинзорлар дастурхонни тўкин-сочин этибгина қолмай эгнимизни ҳам бутлайди. Ҳатто инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган жонзотларни-да тўйдиради. Шу тариқа бойликка бойлик қўшиб боради.

Ва ниҳоят, бир кун келиб инсон ҳаёти поёнига етганда ҳам она ер уни ўз бағрига олади. Ерни она сифатида эъзоз этишимизнинг, тириклигимизнинг бирдан бир манбаи сифатида қадрлашимизнинг боиси ҳам мана шунда.

Ер инсонни тўйдиради ва эгнини бут қилади, дедик. Неча-неча асрлардан буён ернинг тенгсиз саховатидан баҳраманд бўлиб келаётган инсон унга эгаликнинг турфа усулларини ҳам кашф этди. Асрлар давомида, неча-неча авлодларнинг ҳаёт тажрибалари мобайнида мулкчилик шакллари такомиллашиб, сайқал топиб борди. Ибтидоий жамоа тузумидан токи бозор муносабатларига қадар босиб ўтилган тарихий тараққиёт мобайнида ерга эгаликнинг турфа кўринишлари синовдан ўтди. Халқимиз кейинги юз-икки юз йил мобайнида ер билан боғлиқ хўжалик муносабатларининг бир неча шаклини ўз бошидан ўтказди. Ва ниҳоят бугун жаҳон кўламида эътироф этилган — ер ўз эгасини топадиган фермерлик ҳаракати билан юзма-юз турибмиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари бу усулнинг кўп жиҳатдан самарали эканлигини амалда намоён этди.

Шунинг учун ҳам эндиликда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Янги йилдан бошлаб яна 428 ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Хўш, зироатчилик ва чорвачилик билан шуғулланишнинг фермерлик шакли хўжалик юритишнинг бошқа усулларига қараганда қандай афзалликларга эга?

*Истиқлол ва иқтисод*

Аввало, фермер хўжаликлари ердан олаётган ҳосил ҳам, бинобарин, ундан кўрилаётган даромад ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Иккинчидан, муайян миқдорда ҳосил етиштириш учун сарфланаётган харажатлар бирбирига таққосланганда ҳам ширкат хўжаликларининг харажати юқорилигича қолаётир. Демак, фермерларимиз ўзларига эгалик қилиш учун муайян муддатларга берилган ерларда омилкорлик билан иш тутиб, чинакам ҳалол меҳнат қилиш, ҳар бир сўмни тежаб ўрнида ишлатиш орқали кўпроқ манфаат кўрмоқдалар.

Хўжалик юритишнинг бундай шакли мулкчиликка асосланган бозор муносабатларига мувофиқлиги учун ҳам унинг самараси рўй-рост кўринмоқда. Албатта, деҳқон аввалгидек жамоа ерида ишлаганда бошқалар қатори бир хил ҳақ оларди. Бироқ жамоа бўлиб ишлаганда, масалан, айтайлик, биров жон куйдираб меҳнат қилса, бошқа биров номига келиб-кетади. Шунга қарамай, улар кўрадиган манфаатнинг бир хиллиги меҳнатга нисбатан сийқа муносабатларнинг, қўл учида ишлашнинг илдиз отишига олиб келмайдими? Айни чоғда жамоанинг мулки умумий бўлгани учун унинг ҳар сўмини тежаб ишлатмасдан талон-торож қилувчи ва умум манфаатига кўз олайтирувчилар ҳаммавақт топилиб туришини ҳам унутмайлик. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун ишга солинаётган механизмлар ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаслиги тайин. Шу тариқа хўжалик юритишнинг жамоа шакли меҳнатга ҳақ тўлашу даромадни тақсимлашда адолатнинг бузилишига олиб келибгина қолмай, ер унумдорлигини ошириш эвазига кўп даромад олиш имкониятларини ҳам чеклаши мумкин. Бу эса бебаҳо миллий бойликнинг елга совурилиши билан баробар. Жуда кўплаб хўжаликлар ночор аҳволда қарзга ботгани, аъзолар ойлаб ҳақ ололмаслиги, ободончилик, моддий ва маънавий турмуш асослари издан чиқишининг асл сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Шу ўринда кимдир «янги усулнинг ҳам муаммолари бордир, балки у йиллар ўтгач сезилиши мумкинку», деб эътироз ҳам билдирар. Шуни айтмоқ кераккки, фермерлик ҳаракати кеча ва бугунгина эмас, неча юз йиллардан буён синовдан ўтиб келмоқда. Ва у мулкчиликнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида ҳозир МДҲ давлатлари кўламида ҳам оммалашмоқда. Мабодо бу борада бирор муаммо кўзга ташланди ҳам дейлик. У ҳам бўлса, энг аввало, фермер сифатида ер олишда кимнинг қўли баланд келишига доир жараёнлардагина юз кўрсатмоқда. Мана шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ерни деҳқонларга фермерлик учун танлов асосида бериш ва бу борада ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантиришга катта аҳамият қаратмоқда. Шу йилнинг 29 ноябридан бошлаб кучга кирган **“Фермер хўжалигини юритиш учун ер майдонларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом”**да бу жараённинг ошкоралигини таъминлаш, танловларни кенг жамоатчилик вакилларидан иборат кенгашлар иштирокида ўтказишга алоҳида эътибор берилган.

**Давоми иккинчи бетда.**

## БУГУНГИ СОНДА:

→ ОППОҚ АТИРГУЛГА АЙЛАНАР АЁЛ 3
4 Бир асар ҳақида икки фикр →
«МУҲАББАТ МЕНИНГ КЎЗИМ БЎЛДИ...» 5

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан, Маъмун академияси буюк намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган энг яхши саҳна асарлари учун**

**ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловга Хоразм Маъмун академияси буюк намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти акс эттиришга бағишланган драматик ва мусиқали драма асарлари қабул қилинади. Асарларнинг қўлёзмалари тақриз қилинмайди.**

*Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар кўзда тутилган:*

**I мукофот — 1 000 000 сўм.**
**II мукофот — 700 000 сўм.**
**III мукофот — 500.000 сўм.**

Мурожаат учун манзил: 700047, Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси 49, 51-уйлар. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театрлар ижодий фаолиятини мувофиқлаштириш ва шакллантириш бошқармаси, Хоразм Маъмун академияси буюк намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган энг яхши саҳна асарлари учун очиқ танловга деб кўрсатилиши лозим.

**Телефонлар: 133-44-08. 136-38-34.**

*Ташкилий қўмита*

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида Миср Араб Республикасининг XVII анъанавий фестивалида намойиш этилган «Тўда» спектаклининг бир гуруҳ ижодкорларини тақдирлаш маросими бўлди.

Шунингдек, ёшлар ижодига алоҳида эътибор берганлиги учун Европа табиий фанлар академияси илмий кенгаши томонидан ушбу спектаклнинг бадиий раҳбари, режиссёр Аҳад Фармоновга мазкур академиянинг «Улкан хизматлари учун» ордени топширилди.

# ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

**Боши биринчи бетда.**

Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало — халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз.

Шу билан бирга, очиқ айтиш керак, Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишимизга аралашиш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз.

Шуни айтишим керак — бизга нисбатан бундай уринишлар чиппакка чиқиши муқаррар ва бу масала бўйича лўттибозликни йиғиштириб қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, юртимизда «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳоясига етиб бормоқда.

Асосий маъно-мазмуни ва фалсафаси «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» деган шиоримизда мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, якунига етиб бораётган, «Сиҳат-саломатлик йили» деб ном олган жорий йилимизда амалга татбиқ этган дастур ва тадбирлар аввало тиббий соҳани янги босқичга кўтаришга, одамларимиз, халқимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида республикамиздаги 38 та шифохона ва сиҳатгоҳ янгитдан барпо этилгани, тўлиқ капитал таъмирлангани ва реконструкция қилингани, 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлангани, ўйлайманки, бу борадаги ишлар кўламидан етарлича далолат беради.

Шунингдек, бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 210 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилгани қанча-қанча одамларнинг шифо топишига, касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар юртдошимиз сифатли тиббий хизматдан фойдалангани ва қўшимча равишда 2 миллион кишига хизмат кўрсатиш имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим қадам сифатида баҳолаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ибратли ишлар нафақат пойтахтда, балки барча вилоят ва туманларимизда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги шифохона, Боғот туманида эса янги туғуруқхона мажмуи барпо этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани марказий касалхонасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийсида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилди.

Шулар қаторида Республика шошилинч тиббий хизматининг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланиши мазкур тизимнинг самарадорлигини оширишга албатта ҳисса қўшади.

Тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида пойтахтимиздаги иккита медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда академия қошида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ҳам иш бошлади. Бундан ташқари, 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, уларда минг нафар талаба таҳсил олаётгани ҳам тиббий кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашга хизмат қилади.

«Сиҳат-саломатлик йили»да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалик, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида ҳам жиддий натижалар қўлга киритилгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Оналар ва болалар скрининги тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, 1 ёшгача бўлган болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг миқёси кенгайиши ва бошқа муҳим тадбирлар туфайли чақалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга, оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар эса 6,8 фоизга камайгани айниқса эътиборга молик.

Жорий йил давомида юртимизда фаолият кўрсатаётган 9 та скрининг маркази қаторига яна иккита — Урганч ва Навоий шаҳарларида ташкил этилган ана шундай замонавий тиббиёт марказлари ҳам қўшилди.

Очиқ тан олишимиз керак, ҳозирги кунда пойтахтимиз ёки бошқа катта шаҳарларга бориб, малакали шифокорлар кўригидан ўтиш, керакли тиббий муолажа ва тавсиялар олишга ҳамманинг ҳам имконияти етарли эмас. Айниқса, олис ва чекка жойларда яшайдиган аҳоли учун бу жиддий муаммо эканини яхши тушунамиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг март-сентябрь ойларида табиий шароити мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларига «Саломатлик» тиббий-санитар ёрдам поезди юборилиб, 20 мингдан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилгани кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди.

Шулар қаторида ёзги таътил мавсуми давомида Халқ таълими вазирлиги ва Республика касаба уюшмалари федерацияси томонидан 247 минг мактаб ўқувчиси оромгоҳларда соғломлаштирилганини ҳам айтиб ўтиш ўринли, албатта.

Ўтган давр мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун яна бир ибратли тажриба жорий этилиб, камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, йод танқислиги бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида қандай хавфли юқумли касалликлар тарқалаётганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз хабардорсиз.

Бу масала барчамиздан, биринчи галда, медицина ходимларидан доимий сезгирлик ва ҳушёрликни талаб қилади. Ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар ва тиббиёт идораларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бундай хавфли касалликлар бизнинг ҳудудимизга, юртимизга четдан кириб келишининг олдини олишга эришилганини катта мамнуният билан қайд этиш лозим. Мана шундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмасликка ҳисса қўшган тиббиёт ходимларига алоҳида миннатдорлик билдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

2005 йилда ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини асраш бўйича амалга ошириб келаётган ишларимизни давом эттирганимиз бу масала биз учун устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Мисол учун, хорижлик мутахассислар билан биргаликда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилаларга мансуб 2500 дан зиёд бола атрофлича тиббий кўрикдан ўтказилгани, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда 280 нафар ногирон бола пластик операция қилинганини айтиш мумкин.

Профессионал маҳорат ва катта маблағ талаб қиладиган бундай тадбирлар туфайли юзлаб ота-оналарнинг дарду ташвиши енгиллашгани, энг муҳими, бу болаларнинг ўзи ҳаётга янгича кўз, умид ва ишонч билан қарай бошлаганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

«Нуроний» шифохонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил этилиб, унда тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар ўз саломатлигини яхшилаш имконига эга бўлгани ҳам шундай савобли ишлар жумласига киради.

Мамлакатимизнинг ихтисослашган тиббиёт марказларида эса шу тоифадаги беморлардан 15 минг 570 нафари даволангани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2500 нафарга ортгани эътиборга сазовор.

Хусусан, республикамизнинг урология, хирургия, кўз хирургияси ва кардиология марказларида 2300 дан ортиқ беморга тиббий хизмат кўрсатилди ва бу мақсадларга давлат бюджетидан бир ярим миллиарддан зиёд маблағ сарфланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жорий йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди.

Жумладан, «Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги пайтда тегишли муҳокамалардан ўтказилмоқда. Шунингдек, «Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

«Сиҳат-саломатлик йили» дастурида кўзда тутилган яна бир долзарб масала — аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада республика миқёсида турли мавзу ва йўналишларда 80 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, икки жилддан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий теле-радио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар, жумладан, Ўзбекистон телевидениесида «Тўрт карра йўқ!» номли телемарафон ташкил қилинди.

Бу борада «Сиҳат-саломатлик йили: мазмун ва моҳият» деган ном остида нашр этилган методик тавсиялар ва мультимедиа дастурлари ҳам аҳолининг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва СПИД каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизимидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда қишлоқ жойлардаги кўплаб маҳаллаларда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом оила тарғиботига бағишланган учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни ҳаётимиз қоидасига айлантириш бўйича қилинаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Йил давомида маҳаллалар, корхона ва муассасаларда турли мусобақалар, спорт ўйинларининг ўтказилганини биринчи галда юртимизда спортни оммалаштиришга берилаётган катта эътибор самараси, деб қабул қилиш лозим.

Бу борада хотин-қизларнинг иштироки ортиб, ўтказилган кўплаб спорт тадбирларида қарийб уч ярим миллион қизларимиз қатнашгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича спорт секцияларига 2 миллион ўқувчи жалб қилинган бўлиб, уларнинг қарийб 40 фоизини қизлар ташкил қилади. Умуман, кейинги пайтда спорт билан шуғулланаётган ўқувчи ёшлар сони 20 фоизга ортгани қувонарли ҳолдир.

2005 йил мобайнида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, аёллар спартакиадаси, бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» халқаро беллашувлари яқинда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақалар ҳам республикамиз спорт ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, **«Сиҳат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача жами 165 миллиард 800 миллион сўм** маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу дастурни амалга оширишда фаол иштирок этган давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг минтақавий бўлимларига, халқаро хайрия тузилмалари, саховатли ҳомийлар, умуман, шу олижаноб ишга ҳисса қўшган эзгу ниятли барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бугун «Сиҳат-саломатлик йили»нинг дастлабки якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, албатта, бу йилга шундай ном берганимиз ва шунинг ҳисобидан катта ишларни бажаришга эришганимиз ҳақида ҳар қанча мамнуният билан гапирсак, арзийди. Биргина юқорида зикр этилган рақам ва мисолларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Имкониятдан фойдаланиб, кўнглимдаги яна бир гапни айтишни жоиз, деб биламан. Агарки «Сиҳат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саъй-ҳаракатларимиз лоақал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоақал битта беморнинг шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам, биз 2005 йилга шундай ном беришимиз зарур, шарт эди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир савол туғилади: кириб келаётган ҳар қайси янги йилга эзгу ният билан маълум бир ном беришда биз қандай асосий мақсадларни кўзда тутамиз?

Аввало, шуни айтиш керакки, бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор вазифа деб белгилаб оламиз.

Шунинг учун ҳам ҳар сафар халқимизнинг бу масалага муносабатини атрофлича ўрганиб, кенг таҳлиллар ўтказамиз, шу тўғрида жиддий бош қотирамиз. Нега деганда, янги йилга ном бериш ва шу асосда махсус дастур қабул қилиб, уни амалга ошириш шу юртда яшайдиган барча инсонлар учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир.

Албатта, ана шу йўналишдаги вазифа ва муаммоларни бир йилда тўла ҳал қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, бутун эътиборимиз, моддий куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, дастурда белгиланган мақсад сари сафарбар этиш ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиб боришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Айни вақтда биз ана шу устувор вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбаларини аввал-бошдан аниқ белгилаб олишимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, марказий бюджет маблағлари билан бирга, жойлардаги ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, биринчи галда, фуқаролик институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар, қўлидан амалий иш, амалий кўмак бериш келадиган инсонларни ҳам шу эзгу ишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу борада тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Муайян ижтимоий йўналишга қаратилган дастурни амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йўлда ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Албатта, бизнинг эзгу ниятларимиз, орзу-ҳавасларимиз катта бўлиши ва шунга мос равишда янги йилга қандайдир чиройли номлар ҳам бериш мумкин.

Лекин, ишқ — бошқа, ҳавас — бошқа деганларидек, биз ҳавойи гаплардан узоқ бўлиб, орзу-ҳавасларимизнинг амалий томонлари, уларни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим.

Бинобарин, ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз одамларнинг эътиборини жалб қилган, уларнинг кўнглидан чуқур жой олиб, шу ишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этган тақдирдагина кутилган натижани бериши муқаррар.

Муҳтарам ватандошлар!

Юқорида зикр этилган эзгу мақсад ва интилишларимиз қай тариқа амалга оширилаётганини яна бир бор ўзимизга аниқ тасаввур қилиш учун ўтган йилларга қандай ном берганимизни эслаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Барчангизга маълумки, 1997 йил юртимизда «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил — «Оила йили», 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди.

Шунингдек, 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил — «Обод маҳалла йили», 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили», жорий йил эса «Сиҳат-саломатлик йили» сифатида истиқлолимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Кўриниб турибдики, бу йилларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ.

Ана шу ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2006 йилни юртимизда **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Балки, шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизлар, ҳомийлик ва шифокорлик тушунчалари бир-бири билан қандай боғлиқ, деб савол қўйишингиз мумкин.

Шу ҳақда гапирганда, авваламбор, бир фикрга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол.

Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу авваламбор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани.

Менинг фикримча, ҳомийлик ва саховат деган тушунчаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган **«Оллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради»** деган ҳикматни яна бир бор эслаб ўтмоқчиман.

Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Шунга эътиборингизни яна ва яна бир бор қаратмоқчиман.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. **Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.**

Муқаддас Қуръони каримда зикр этилган **«Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг»** деган ҳикматли сўзларда қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олиҳиммат юртдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қоламан.

Бундай савобли ишлар, очиғи, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Энг катта бойлиги жондан азиз боласи, жигарбанди бўлган бечора бир аёл, муштипар онани кўз олдимизга келтирайлик. У кўзининг оқу қораси бўлмиш фарзандига шифо тилаб, керак бўлса, нажот сўраб шифокорнинг олдига келади.

Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу болани даволар экан, ўзининг беғараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.

Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай эътиқод билан яшаётган минг-минглаб жонкуяр шифокорлар — етук жарроҳлар, моҳир кардиологлар, терапевт ва педиатрлар, заҳматкаш ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Кундалик ҳаётимизда, барчамизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизда айнан шундай ўз касбига садоқатли, профессионал тиббиёт ходимларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, шундай фидойи одамларни қадрлаш, уларнинг машаққатли, оғир ва масъулиятли меҳнатини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга биз етарли эътибор беряпмизми?

Мана, биз уста пахтакор, ғаллакор, ишчи ёки қурувчиларимиз меҳнатини улуғлаб, уларга қаҳрамонлик унвонларини берамиз, керак бўлса, ҳайкаллар ўрнатамиз. Бу инсонлар шундай юксак иззат-ҳурматга арзийди, албатта.

Аммо машаққатли меҳнати бошқа соҳа вакилларининикидан асло кам бўлмаган шифокорларга — Ибн Сино бобомизни ҳисобга олмаганда — бирорта ҳайкал қўйилганини эслай оламизми?

Бинобарин, нафақат давлатимиз ва жамиятимиз, балки барчамиз тиббиёт ходимлари олдида ҳали қарздор эканимизни унутмаслигимизни истардим.

Азиз дўстлар!

Кириб келаётган йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилар эканмиз, биз биринчи галда ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, бу масаланинг қонуний базасини яратишни, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантиришни кўзда тутамиз.

Шу мақсадда ҳомийлар бундай хайрли ишларни ўз ҳаётининг узвий бир қисми деб ҳис қилиши учун уларга давлатимиз томонидан ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар яратиб бериш билан бирга, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш учун ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги низомни қабул қилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Айни пайтда бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Сир эмас — бугунги бозор муносабатлари шароитида кимдир ўзининг худо берган ақл-заковати, куч-қувватини ишга солиб, астойдил меҳнат қилиб яхши яшаяпти, кимдир эса ҳали мана шундай мураккаб шароитга тўла мослашиб ололгани йўқ.

Шунингдек, табиатан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур.

Шифокорлар ҳақида гапирар эканмиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз даркор.

Куни кеча шу борада телевидение ва матбуотимизда «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарор эълон қилинди.

Бу қарорга биноан 2006 йилнинг январ ойидан бошлаб тиббиёт ходимларининг ойлик тариф сеткасини такомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишининг мураккаблиги, билими ва тажрибаси ҳамда ўз касбини адо этишда, одамларни даволашда қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда маош белгилаш ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шундай мезон асосида уларнинг иш ҳақи миқдорини 30 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Энди барчамизнинг энг муҳим вазифамиз — қабул қилинган ана шу қарор олдимизга қўйган мақсадларни жойларда ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборат. Токи тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган барча инсонлар — юқори малакали шифокорлардан бошлаб, оддий ҳамшира ва медицина хизматчиларигача бу қарорнинг амалий таъсирини ўз ҳаётида кўрсин.

Ҳурматли дўстлар, азизлар!

Кириб келаётган янги йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз халқимизнинг эзгу фазилатларига уйғун бўлиб, айни вақтда «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий ва узвий давоми бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Албатта, ҳар йилги тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, биз янги йил бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб оламиз.

Мен бу борада ҳокимият идоралари, вазирликлар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар билан бирга, жамоатчилик вакиллари, умуман, шу эзгу ишга ҳисса қўшишни истайдиган ҳар бир киши ўзининг амалий таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этади, деб умид билдираман.

Агарки, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон — менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинглар, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ишончим комилки, ўзининг ўн беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида улкан довонларни босиб ўтган, ҳар қандай синов ва машаққатларни енгишга қодир бўлган халқимизнинг буюк иродаси, азму шижоатига таяниб, биз ўз олдимизга қўйган янги ва юксак марраларга албатта етамиз. Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ЕРГА СОЧСАНГ МЕҲРИНГНИ...

## Ёхуд фермер бўлиш осонми?

**Боши биринчи бетда.**

Хўш, ким фермер бўлиши керак? Инсон учун саховати тенгсиз заминнинг тақдирини кимга ишониб топширамиз?

Фермер бўлишни хоҳловчилар оз эмас. Чунки ширкат хўжаликлари шароитида, айтайлик, юз гектар ерда юз киши меҳнат қилса, фермерлик шароитида эса, эҳтимол ўн-ўн беш кишининг ўзи кифоядир. Агар фермер чинакам бободеҳқон фарзанди бўлса, омилкор зироатчи сифатида ернинг тилини билса, у юз киши ололмаган ҳосилни ўн-ўн беш деҳқоннинг меҳнати билан ҳам сўзсиз олиши мумкин. Чунки ерга меҳрини сочган деҳқонни ер ҳам сийлайди. Шу боис фермер ўша юз кишига нисбатан кўпроқ манфаат кўриши табиий. Фермерликнинг асл моҳияти ҳам шунда.

Шу сабабли бугун қишлоқларимизда фермер бўлишни хоҳловчилар жуда кўп. Бу албатта яхши. Чунки танловлар рисоладагидек ўтказилса ер ўзининг ҳақиқий эгасини топади. Аввало, деҳқоннинг, қолаверса, тақдири шу ер билан боғлиқ бўлган халқимизнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, унинг турмуши тезроқ фаровонликка етишади. Фермер бўлишга орзумандлар орасида



нафақат умри зироатчилик билан ўтган асл деҳқонларни, айни чоғда ер илмини билмаса-да мулкдор сифатида ер олиб деҳқончилик ва чорвачилик қилишни кўнглига тугиб қўйганлар ҳам кам эмас. Албатта, улар сафида турли йўллар билан йиққан маблағи ва бойлиги эвазига, кўп ҳолларда, бошқаларга қараганда қўли узунлиги боис ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритишда устамонлик қилаётганлар ҳам йўқ деб бўлмайди.

Бу жараёнда ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида, аввало, ҳар жиҳатдан мукаммал танлов тизими ишлаб чиқилганини айтишимиз керак. Талабгорларнинг имкониятларини баҳолашда ана шу тизимга кўра тўпланадиган баллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида декабр-январ ойларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришда ошкораликни, адолатни ва ҳаққонийликни таъминлаш долзарб ойлиги деб эълон қилинди. Унга биноан ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ана шу муҳим тадбирда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, танловларнинг қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва адолатли ўтказилишини назоратга олиш, бу жараённи матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш режалари ишлаб чиқилди. Республиканинг нуфузли матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситалари ижодкорлари ҳам ана шу тадбирда иштирок этишга сафарбар қилинди.

Ўйлаймизки, ерни унинг ҳақиқий эгасига топшириш, қишлоқ хўжалик ширкатлари ва улардаги хўжалик бўғинларини фермерлик ва бошқа мулкчилик шаклларига ўтказишда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида тўғри ҳал этиш, шунингдек, янгидан иш бошловчи фермерлар ва бошқа хўжалик субъектларига зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ мазкур жараённи пухта ташкил этиш юзасидан узоқни кўзлаб кўрилаётган бу тадбирлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Она еримиз саховатга бой. Унинг бағрида инсоннинг қорнини тўқ, устини бут, келажак истиқболини нурафшон этувчи бойликлар беҳисоб. Фақат унинг калити, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ер билан тиллаша ва дилллаша оладиган ҳақиқий деҳқоннинг қўлида. Ернинг унумини ошириш, унинг инсон учун аталган бебаҳо ноз-неъматларини кўпайтириш ҳам ерга чин меҳрини соча оладиган ана шу деҳқоннинг ихтиёридадир.

Еримиз ўзининг ҳақиқий эгасини топсин!

**М.АБДУЛЛАЕВ**

***Мухбиримизнинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлари билан ерни ўзининг ҳақиқий эгаларига бериш юзасидан ўтказалаётган танлов тадбирлари, рейтинг шартлари ва бу жараённинг ўзига хос хусусиятларига доир суҳбатини газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.***

*Икки оғиз дил сўзи*

# ДОМЛАНИНГ ТАЪЛИМИНИ ОЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН



Бир пайтлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида яхши бир анъана шаклланганди. Йирик олимларнинг йиғини ўз йўлига, йилда бир бор ёш олимларни тўплаб, уларнинг илмий конференцияси ўтказиларди. Ёшларни тарбиялашда кўп фойдаси тегарди бундай мажлисларнинг. Илк маърузамни ана шу йиғинда бошлаганман. Ўшанда ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берардим. Илмий йиғинда биринчи бор сўзлаётганим учун бироз ҳаяжонлангандим ҳам. Маърузам эски уйғур ёзувида битилган «Олтун ёруқ» асарига бағишланганди. Маърузада мавзуга тугал кириб бормаган эсам-да, тўлқинланиб сўзладим. Кечагидек эсимда: йиғин сўнгида маърузаларимиз муҳокама қилинди. Муҳаммаджон Ҳакимов, Сафо Зуфарий, Шарофиддин Шарипов маърузани юқори баҳоладилар, ҳатто институтда янги бир йўналиш бошланяпти, деган сўзлар ҳам бўлди. Энг муҳими, йиғин бошлангандан тугагунга қадар институт директори Азизхон Қаюмов маърузаларни эътибор билан тинглаб ўтирди. Ора-ора сўзловчиларга савол ташлаб тургани мажлисни жонлантирар, айрим масалаларнинг ўта муҳимлигини биз ёшларга англатиб турарди. Муҳокамани ҳам домланинг ўзи якунлади. Бирорта чиқиш эътибордан четда қолгани йўқ: барига домла ўз кўзқарашини билдирди. Менинг маърузамга тўхталиб, олимларнинг фикрини қўллади. Билсам, Азизхон ака бугина эмас, ҳамма илмий мажлислар, конференцияларга эътиборли экан. Домланинг бундай йиғинларга, айниқса, ёшларнинг чиқишига катта эътибор беришининг сабабини кейин англаб етдим. У ўзбек илм-фанининг келажагини шу ёшларда кўрар, шундай йиғинларда билимли ёшларни саралар, иқтидорли ёшларни қўллаш, уларга кўмаклашиш йўлларини қидирар экан...

Орадан кўп ўтмай, домла мени институтга ишга олди. Сиртқи аспирантурага ҳам қабул қилишди; илмий мавзу ҳам берилди. Илмий раҳбарим этиб Қозоғистон Фанлар академияси Тилшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Ғубайдулла Айдаров белгиланди.

Ўша кезлари Қўлёзмалар институти Ўзбекистондаги йирик илмий марказлардан эди. У ерда манбашунослик ва матншунослик йўналишида бир мактаб шаклланган бўлиб, уни Азизхон Қаюмов бошқарарди. Домла Қўлёзмалар институтида ўз илмий мактабини яратди.

Институтнинг илмий фаолиятида ўзига хос янги йўналиш — Ўрта Осиё халқларининг исломдан бурунги ёзма ёдгорликларини ўрганиш соҳаси алоҳида ажралиб турарди. Домла бир сўзни кўп айтарди: «Ҳозир ўзбек олимлари энг қадимги ёзма ёдгорликларимизни рус ва Ғарб олимларининг транскрипцион нашрлари ва таржималаридан ўрганмоқдалар. Биз қадимий ёзма обидаларимизни асл қўлёзмалардан ўрганадиган олимларни етиштирмоғимиз керак». Домла бу ишларни юзага чиқармоқ учун бор куч-ғайратини сарфлаган эди.

Устознинг саъй-ҳаракати билан ўзбек илмида улуғ бир иш бошланди: Қўлёзмалар институтида Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорликларини ўрганиш бўлими ташкил топди. Ушбу йўналишда бошлаб уч нафар мутахассис тайёрланди: Мирсодиқ Исҳоқов суғд ёзуви ва унинг ёдгорликлари, Насимхон Раҳмонов кўк турк (туркий рун) обидалари ва мен қадимги уйғур ёзуви, унда яратилган ёдгорликларни ўрганишга киришдик. Орамизда ёши каттаси Мирсодиқ ака эди. У номзодлик диссертациясини институтга келишидан бурун ёқлаган. Лекин кейинги ишларига, айниқса, докторлик диссертациясига Азизхон домла бош бўлди. Насимхон ва мен илмга кириб келишимиз — илмда ўз ўрнимизни топгунимизгача домланинг кўмагини, тарбиясини олиб келдик.

Биз илм нималигини Қўлёзмалар институтида тушуниб етдик, ўша муҳитда тарбия топдик, бир қозонда қайнаб етилдик. Илмий мажлисларимиз, байрамларимиз жуда мароқли ўтарди бу жамоада. Ишга элдан бурун бориб, кеч қайтиш уй-жойидан хотири жам ходимларнинг кўпига одат эди. Ҳатто пахтада, қишлоқ хўжалик ишларида қатнашган кунларимизни ҳам мароқ билан эслайман. Бу жамоадаги соғлом, бир-бирига меҳр-оқибат ҳукмрон бўлган муҳитни Азизхон Қаюмов таъминлаб берган эди.

Очиғини айтаман, ўша чоғлари институтда ишлаган заҳматкашларнинг бари, бутун ёш-яланг, шулар қатори менинг ҳам оёққа туришимизда Азизхон Қаюмовнинг кўмаги катта бўлди. У киши қўллаб-қувватламаганда биз бундайин ютуқларга эришолмасмидик? Домла кимнидир докторлик даражасига олиб чиқди, бошқа бировларнинг фан номзоди бўлишига кўмаклашди. Илм ўрганаман деганга бирдай бағрикенглик қилди. Бугина эмас, бутун бир мактабини ҳалоллик, илмга теранлик билан ёндашиш тарбиялади; ўзида бўлган ҳиммат ва кенгликни теварагидагиларга ҳам ўтказа олди. У бизга ҳамма нарсадан илмни устун қўйишни ўргатди. Ҳаётингда ана шундай ажойиб инсонлардан таълим олганинг қувват бериб турар экан кишига.

Домланинг қўл остида ишлаган чоғларимиздан яхши хотиралар қолган. Мен институтда ишлаш билан баробар Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси, кейинчалик Тошкент давлат Шарқшунослик институтида ўриндош сифатида талабаларга ўз соҳамдан дарс бериб юрардим. Ҳузурига кирган пайтларимда домла гапдан-гап чиқиб: «Сизларнинг талабалар орасида юрганингиз маъқул. Талабаларга таъсири бўлади: илмга ихлос қўйишни сизлардан ўрганади», — дерди. Ўтмишини эслаб: «Мен Шарқ факултетида ўқиганимда кўп домлалар дарс ўтган. Орада жуда оддий, юпун юрадиганлари ҳам бўларди. Хотирамизда ўша оддий домлаларгина чуқур из қолдирди, фанга ихлос уйғотганлар ҳам ўшалар бўлди», — деб қўшиб қўярди.

Азизхон Қаюмов — Навоийни ўрганиб, ўрганганларига амал қилган инсон. У давлат арбоби Усмон Юсупов, академик Ҳабиб Абдуллаев сингари кишиларнинг таълимини олди, уларнинг йўриғича иш тутди. Домладаги бағрикенглик, инсонпарварлик унга таълим берган кишилардан ўтган. Домла ўз мактаби вакилларини ҳам фидоий, халқпарвар, ватанпарвар кишиларнинг ўгитларига кўра тарбиялади. У теварагидаги ёшларга эркин фикрлашни ўргатди.

Ўзбек адабиётшунослиги Азизхон Қаюмовдан хўп ёлчиди. У мумтоз адабиётимизнинг қадрини яхши билади. Домла бор билимини, ҳаётини ўзбек адабиёти тарихини ўрганишга бағишлади, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишини оёққа қўйишга ўз улушини қўшиб келмоқда. Заҳириддин Бобур сингари улуғ адибларимизга, мумтоз адабиётимизга тош отилганда Азизхон Қаюмов уларни ўз отасини ёқлаган янглиғ ҳимоя қилиб чиққан пайтларни ҳам биламиз.

Азизхон Қаюмов яратган мактаб ҳозирги кунда республикамиз илмида ўз меваларини бермоқда. Ушбу мактаб вакили сифатида биримиз Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида, бошқа бировимиз Ўзбекистон Миллий университетида ишлаяпмиз. Энди биз ўз соҳамизни ривожлантириш, бу йўналишда мутахассислар тайёрлаш ташвишидамиз. Домланинг кўмагида олган билимларимизни энди ёшларга беряпмиз. Бу соҳада, кўз тегмасин, унча-бунча олимга сўзини бермайдиган, ўз фикрини маъқуллаб ўтказадиган шогирдлар бор ёнимизда. Улар билан бирга соҳамизни оёққа қўйиш, элга танитиш истагида юрибмиз.

Илмий йиғинларда, аудиторияларда маърузалар ўқиганда домладан олган сабоқларимиз асқотаяпти. Суҳбатларда домлани, унинг ўгитларини тез-тез эслаб тураман, айрим масалаларда домладан ўрганганларимизни ёшларга ибрат қилиб кўрсатишни ёқтираман.

Ҳурматли устозимиз, биз учун доимо табаррук бўлган инсон, заҳматкаш олим Азизхон Қаюмов 80 ёшга чиқдилар. Мен устозимизни ушбу қутлуғ ёшлари билан муборакбод этиб, уларга соғлиқ, узоқ умр тилайман. Орамизда бош бўлиб юрсинлар.

**Қосимжон СОДИҚОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

*Журналларни варақлаганда...*

## «Гулистон» журналининг 2005 йил 5-сони нашрдан чиқди



Журналнинг мазкур сонида ижтимоий ҳаётнинг турли-туман мавзуларига бағишланган мақолалар, суҳбатлар, илмий-бадиий тадқиқотлар, маданий-маърифий материаллар эълон қилинган. Чунончи, «2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили», «Бугуннинг гапи», «Ўзбегим спорти», «Адабий ўйлар» рукнлари остида берилган мақолаларда долзарб масалалар қаламга олинган.

Албатта, ҳар бир нашрнинг қиёфасини, ҳар бир соннинг мундарижасини белгилайдиган материаллар бўлади. Бу борада «Гулистон»нинг 5-сони анча бой. Таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг «Кунларимнинг изҳорлари» деб номланган иқрорномаси адиб ижоди мухлисларида, журналхонларда айрича қизиқиш уйғотиши тайин. Муаллиф кечган кунлар кечинмаларини қайд этаркан, азалий муаммоларга жавоб қидиради... Истеъдодли шоир Акиф Азалпнинг «Юртни қутқаражак ўғлонни бердинг» сарлавҳали янги туркуми, Раъно Эгамшукурованинг «Ўйнаб гапирсанг ҳам...», М.Қўчқорованинг «Маринанинг муҳаббати», З.Ваҳобованинг «Менинг хосиятли лаҳзаларим» сарлавҳали мақолалари, Муҳаммадамин Ашурнинг «Ҳикоя учун мавзу» асари, ёш шоир Беҳзод Фазлиддиннинг шеърлари «Гулистон»нинг ушбу сони сермазмун, мундарижаси ранг-баранг бўлишини таъминлаган.

Атоқли олим ва адиб Иззат Султоннинг «Оилавий сир» номли етти эпизодли комедиясининг давомини ҳам журналнинг шу сонида ўқийсиз.

# ХОЛИСЛИК — ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

Мен Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» романини 2003 йилда ўқиб катта қониқиш ҳосил қилиб, муаллифга зоҳиран миннатдорлик билдирган эдим. Чунки роман тез орада кўп нусхаларда нашр этилиб, китобхонлар орасида шов-шувга сабаб бўлган эди. Назаримда, ҳозир ҳам китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилмоқда. Роман ҳақида айрим танқидий мулоҳазалар айтилганига қарамай, барибир қўлма-қўл бўлиб кетди. Таниқли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг асар муаллифи ҳақида: «Солиҳ Қаҳҳор ўтган йилларда профессионал ёзувчи бўлиб қолган экан», асар ҳақида: «профессионал қўл билан ёзилган роман» деган фикрлари ҳам китобхонни ушбу асарни мутолаа қилишга даъват этди. Бироқ «ЎзАС»нинг шу йил 20 май сонидаги «Давра суҳбати»да таниқли мунаққид Норбой Худойберганов билдирган қуйидаги фикрлар мени ўйлантириб қўйди. Н.Худойберганов: «Камина эса «Моҳият» газетасининг 2003 йил 23 май сонида босилиб чиққан «Китобнинг китобдан фарқи бор» сарлавҳали мақолада журналист (*роман ёзиб қўйган ижодкорни ёзувчи дейиш керак-да!* — **Ў.Н.**) Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» романини таҳлил қилиб, муаллифда ёзувчилик маҳорати деярли йўқлигини кўрсатган эдим», деб танқидчи одобидан четга чиққан ҳолда асарга баҳо беради. Ўша «Давра суҳбати»нинг қатнашчиси Адҳамбек Алимбеков: «Албатта, бадиий юксак асарлар қатори, савияси бўш (*аввало савия «бўш» бўлмайди, балки паст ёки баланд бўлади* — **Ў.Н.**), ишловга муҳтож «Дайди қизнинг дафтари» сингари китоблар ҳам эълон қилинди», деган фикрни билдиради.

Хўш, танқидчининг бурчи асарнинг бадиий савиясини асосли баҳолаб, китобхон ва муаллифга кўмаклашишми ёки битта ҳукм айтиб, асарни йўққа чиқаришми? Халқ ёзувчиси Ш.Холмирзаев романни «профессионал қўл билан ёзилган», деб баҳолаган бўлса-ю, мўътабар танқидчиларимиз муаллифнинг кўп йиллик меҳнату заҳматини бир ҳамла билан чиппакка чиқариб, ундан китобхон кўнглини чалғитишга уринса — буни адабиётимизга, китобхонга ёрдам деб бўлармикан? Назаримда, танқидчиларимизда холислик етишмаётгандай.

Шундай фикрлар билан мазкур романни яна бир бор ўқиб чиқдим. Мен таассуротларимга таяниб, Солиҳ Қаҳҳорнинг ушбу романини истиқлол йилларидаги энг ўқишли асарлардан бири, дегим келади. Чунки асар жуда равон ва тез ўқилади. Кўтарилган масалалар ҳам ғоятда долзарб. Ёзувчи ўз асарида олға сурмоқчи бўлган ғояларни ифодалашда яхшилик ва гўзалликларни тасвирлаш йўлидан бормайди, балки жамиятда нопок йўлга кириб кетган мараз шахслар — фоҳишалар, қаллобларнинг саргузаштларини бадиий тасвирлаш орқали китобхонда уларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотади. Асар ҳажман катта — 542 саҳифа, уч қисмдан иборат бўлиб, қисмлар «Ҳасрат кечаси», «Қумқўрғон маликаси», «Тақдир ўйинлари» деб номланган. Романда турлича феъл-атворли етмишга яқин катта-кичик қаҳрамонлар, персонажлар образи яратилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хатти-ҳаракат, фикрлаш йўсинига эга. Ёзувчи дайди қиз — Тахмина образини бош қаҳрамон сифатида тасвирлар экан, ана шу образ тақдирини катта бадиий маҳорат билан асардаги бошқа образ — персонажлар тақдири билан боғлай олади. Романда муаллиф ниятини амалга оширишга хизмат қилмайдиган биронта образ ёки лавҳани кўрмайсиз. Ёзувчининг маҳорати ҳақида гап кетганда, унинг каттагина ёзиш тажрибасига эга эканлиги, жаҳон адабиётининг яхши намуналаридан бохабарлиги сезилиб туради. Романда ғоятда гўзал, аммо жиноятчи, нопок кимсалар муҳитига тушиб қолиб, фожиавий тақдир эгасига айланган бахти қора Тахмина ва унинг атрофидаги маккор, ҳаром йўллар билан бойиган жиноятчи бойваччалар ҳаёти ғоятда ишонарли деталлар, ифодалар, лавҳалар орқали ҳамда ширали тилда баён этилади.

Романда тасвирланган образлар ва уларнинг тақдирлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар тасвирининг пировард оқибатига келсак, нопоклик, шайтон васвасасига кириш орқали бу дунёда фақат ўзини, ўз маишатини ўйлаш, разиллик, жиноят, хиёнат, зино, фаҳш содир этиш — буларнинг барчаси инсон ҳаётининг заволи эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Биз роман мазмунини қайта баён этишдан ўзимизни тийган ҳолда айрим образлар ҳақида гапирадиган бўлсак, асар бош қаҳрамони Тахмина ичкиликка берилган Собир ва фоҳишалик кўчасига кириб кетган Хуршиданинг қизи. Мактабда дурустгина ўқиб, туҳмат билан қамалиб, қамоқда «ўзга мактаб»нинг таълимини олиб келиб, озодликка чиққач товламачилик билан бойиб кетган Дониёр (Доник) аввал Хуршида билан дон олишиб юриб, унинг қизи — Тахмина бўйи етганда, алдаб маст қилиб номусига тегиб, буни Хуршидадан яшириб юради. Бироқ сир ошкор бўлгач, Доник Хуршидани Фарғонадан Тошкент томон — Оҳангаронга олиб келаётганида, Хуршида довонда Доникдан ўч олиш мақсадида у бошқараётган автомашина рулига чанг солади ва улар ҳалокатга учрайдилар.

Ҳофиз ва кейинчалик Тахминага уйланган Мумтоз ўзининг жиноий ишлари, нопок ҳаракатлари оқибатида уйи ёниб кетиб ҳалок бўлса, жиноятчи Кинг-конг (Бойтўра), бутун фаолияти уюшган жиноятчиликдан иборат бўлган Истамнинг қилмишлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан фош этилади ва жазога тортилади.

Романдаги Иброҳим ҳожи, унинг ғоятда оқила, мулоҳазали аёли Шаҳодат бону, уйланмаган бўлса-да, беназир ҳуснига мафтун бўлиб Тахминани севиб қолган Ўктамбек образлари ҳам китобхонда ёқимли таассурот қолдиради.

Тахмина асар бошидан охиригача ўзининг тақдир ўйинлари, фоҳишалар гуруҳига кириб қолиб тортган руҳий азоблари билан китобхонда гоҳ ғазаб, гоҳ раҳмдиллик, гоҳ хайрихоҳлик туйғуларини уйғотади. Унинг ҳаётини иймонли бир инсон сифатида ҳикоя қилиб бераётган журналист Собир Қаноат Тахминани бадбахтликлар қозонида қайнайвериб ғоятда зукко, ҳаётни чуқур мулоҳаза қиладиган, қўрқмас, мард, саховатпеша, ҳаётга барибир умид билан қарайдиган инсон сифатида тасвирлаган. Тахмина жиноятчи, бадхулқ, нопок Мумтозга хотин бўлиб қолганидан кейин ўзи ҳам бир қанча дўконлар очиб бойиб кетади. Аммо эри ҳалок бўлгач, Тахмина кимсасиз қолади. Ниҳоят ўзининг ҳайдовчиси, хотинидан ажралган Ҳаёт билан бир-бирини севиб яшашга қарор қилади. Асарнинг бундай якунланиши китобхонда ёқимли кайфият уйғотади.

Муаллиф бу образларни эсда қоладиган, тўлақонли этиб тасвирлашда бадиий тил воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланади. Китобхонга бадиий завқ бериб, образ ички оламини ёритиб берадиган табиат манзараларини маҳорат билан тасвирлайди. Масалан, «Кўк юзига чиммат бўлиб турган сурмаранг булутлар виқорли тоғ чўққиларидан шиддат билан шабадага дош беролмай, пароканда ҳолда чор атрофдан бошпана қидириб кетди. Малоҳатли табиат сийнасига интиқ қуёш жамол очди, унинг чароғи ва тафтидан бутун борлиқ ўзгача нашидага чўмди». Романдаги воқеалар тасвирида маҳорат билан қўллаган нозик юмор ва ҳажв унсурлари ҳам мавжудки, бу ҳам асарнинг бадиий таъсирчанлигини оширган.

Бу саргузашт романдаги дайди қиз — бегуноҳ ғунча Тахминанинг аянчли ҳаёти барча қирралари билан бўрттириброқ тасвирлангани айримларда қора бўёқлар кўпроқ бериб юборилган, деган фикрни уйғотиши мумкин. Начора, буни ҳаёт деб қўйипти. Қолаверса, бундай асарлар жаҳон адабиётида ҳам истаганча бор (масалан, Мопассан, Козимий асарларини эслайлик). Аммо ҳар бир ижодкор ҳаёт ҳақидаги ўз қарашларини ўзига хос йўсинда ифодалайди. Китобхон эса бадиий асар қаҳрамонларининг хулқи, хатти-ҳаракатидан ё ибрат олиб, ё нафратланиб ўзини тарбиялаб бораверади.

Биз мақоламизда яхши асардан олган яхши таассуротларимизни баён этдик, холос. Асардаги айрим камчиликлар унинг фазилатлари олдида таъкидлашга арзимасдай туюлди бизга.

**Ўсарали НИШОНОВ**

*Бир асар ҳақида икки фикр*

# АДАБИЁТ — ОДОБ МАНБАИ ЭМАСМИ?

**Адабиётнинг муқаддас бир вазифаси бор: ёшларни тарбиялаш. Бунинг учун адабиёт ёшларга ўрнак бўларли образлар яратади, уларга қандай севиш, ҳаётда ўзини қандай тутиш, ҳаётнинг мураккабликларига ўзини тайёрлашни ўргатади.**

**Академик М.ҚЎШЖОНОВ**

Сўнгги йилларда адабиётимизда кўплаб катта-кичик насрий асарлар яратилди ва улар ҳажмидан, қўйилган муаммоларнинг муҳим ёки номуҳимлигидан қатъи назар, ўқувчига «роман», дея туҳфа этиляпти. Бундай романларнинг аксарияти ўқувчилар оммасининг кенжа бўғини кайфиятига мослаб ёзилаётгани айрим ҳушёр адабиётшуносларни бежиз ташвишга солмаяпти. Ҳозир, айниқса, фоҳишабозлик, жиноятчилик мавзуидаги «роман»лар кўпайиб кетди. Баъзи ёзувчилар ҳозирги ўқувчиларнинг фикри ожизлигидан фойдаланиб, «роман бозори»ни авж олдириб юбордилар.

Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» асари дастлаб бундан 5-6 йил аввал кичик ҳажмда қисса тарзида нашр этилганди. Кейин ёзувчи уни уч қисмдан иборат роман тарзида нашр эттирди. Нашрга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ш.Холмирзаев сўзбоши ёзган. Бироқ сўзбошида асар ҳақида эмас, кўпроқ муаллиф ҳақида фикр юритилган. Китобни мутолаа қилган ўқувчи Ш.Холмирзаев қайд этган «профессионал қўл» ёзувчига эмас, балки кўп йиллик тажрибага эга бўлган журналистга тегишли эканини сезиши қийин эмас. Зеро, асарнинг ҳикоячи-қаҳрамони Собир Қаноат ҳам журналист.

Хўш, бу асар роман деб аташга лойиқми? Таниқли адабиётшунос устозимиз Й.Солижонов ўзининг роман поэтикасига бағишланган маърузаларида бу жанр талабига жавоб бера оладиган асарларда романбоп муаммо, конфликт, характер бўлиши, унинг макроструктураси мукаммал яратилиши шартлиги ҳақида куйиниб гапирадилар. Шу нуқтаи назардан ёндошганда, «Дайди қизнинг дафтари»да бизнингча, романбоп муаммо етишмаётгандек туюлади. Гап фоҳиша Тахмина тўғрисида кетар экан, муаллиф бузуқлик йўлига кирган аёл охир-оқибатда бой-бадавлат ва бахтли бўлади, демоқчими? Асарнинг бошидан охиригача Тахминага нисбатан ёзувчининг хайрихоҳлиги очиқ англашилиб туради. Гўё Тахмина ўз хоҳиши билан бу йўлга кирмаган жабрдийда сифатида тасвирланади. Ваҳоланки, у вояга етган муҳит, онаси Хуршида қизининг кўз олдида мистер Доник билан ошкора бузуқлик қилиши уни «тарбиялаб» бўлганди. Ўз ишрати билан маст бўлган Хуршида қизининг ҳам Доник тузоғига илинганини, ундан ҳомиладор бўлганини анча вақтгача билмайди.

Боз устига, асар динамикасидаги кескин ижобий ўзгариш ҳам бадиий жиҳатдан етарли асосланмаган. Ёзувчи Тахмина образини бош қаҳрамон сифатида тасвирлайди. Уни кўкларга кўтариб мақтайди, ҳаттоки Иброҳим ҳожидек киши ҳам унинг олдида каловланиб қолади. Шундай обрўли, шарқона урф-одатлар мужассамлашган хонадонда тарбияланган Иброҳим ҳожининг ўғли Ўктамбек ҳам уни севиб қолади. (Буни ақлга сиғдириб бўлмайди, шундай тарбияланган бола фоҳишани севиб қолса.)

Асарда ҳикоя қилинган воқеалар ғоят силлиқ кечади, унда ўқувчини ҳаяжонга соладиган конфликт йўқ. Персонажлар муаллиф хоҳлаган мақомга ўйин тушаверади, унинг кўрсатмаларидан ташқарига чиқолмайди. Ёзувчи персонажнинг тақдирини бир-бирига боғлашга уринади, аммо бу зўраки боғланган тугун мустаҳкам эмас. Воқеа рўй бераётган замон ва макон ҳам жуда чалкаш. С.Қаҳҳор ўз қаҳрамонлари қаерда ва қачон, қай тарзда ҳаракат қилишлари лозимлигини олдиндан ўйлаб, пишитиб олмаган. Демак, қаҳрамон ҳаёт мантиқи билан эмас, балки муаллиф ихтиёри асосида ҳаракат қилади. Шундай экан, муаллиф уни истаган жойига олиб бориши, истаганича кутилмаган ҳолатларда кўрсатавериши мумкин. Буни адабиётда зўрма-зўракилик, воқеаларни сунъий равишда тўқиш, реал ҳаёт билан ҳисоблашмаслик, дейишади.

Китобдаги яна бир воқеага эътибор берсак: Хуршиданинг онаси кетиб қолгач, Келдиёров Аниса деган аёлга уйланади. Аниса Хуршидани ўз фарзандидек катта қилади. Хуршидадаги ҳар бир ўзгаришни кузатиб боради, айниқса, Мумтоз билан Хуршида ўртасидаги муносабатдан ташвишга тушади. Эътибор беринг, ўгай она ўгай қизи учун қайғуряпти. Хуршида эса ўз фарзанди Тахмина учун қайғурмайди. Ахир, у она-ку! Тахмина унинг якка-ю ягона фарзанди-ку! Доник унга ота бўлолмаслигини, бир кун келиб ўз қисмати қизининг бошига тушишини нега ўйламайди?

Асар бошидаги Хуршиданинг ҳолати билан ўлими олдидаги ҳолатлари, ўзини тутишлари мантиққа тўғри келмайди. Хуршида асарнинг бошида ёввойи, тошбағир бўлиб, ҳаёти сўнгида меҳрибон онадек кўринади. Лекин бу ҳолат ўқувчини чалғитади, чунки Хуршида учун вақт бор эди. Агар у ҳақиқий ўзбек аёли бўлганда қизининг бахтини ўйларди. Асарда персонажларнинг бундай мантиқсиз ҳаракати жуда кўп учрайди.

Роман персонажлари характер мантиқига кўра ҳаракат қилмай, ёзувчининг кўрсатмалари асосида иш кўрадилар. Хуршида ва Доникнинг ҳалокати ҳам шундан далолат беради.

Романнинг бошидан охиригача ахлоқий бузуқлик, жиноятчилик ҳақида гап боради. Асарни мутолаа қилган ўқувчида наҳотки бирор-бир ижобий характердаги аёл образи бўлмаса, деган фикр туғилади. Китобни ўқиб туриб, соғ аёлнинг ўзи йўқдек, худди дунёни фоҳишалар босиб кетгандек туюлади.

Асарнинг мазмун-моҳиятидан шундай савол келиб чиқади: Тахмина фоҳиша бўлса ҳам нега уни ҳамма ҳурмат қилади, унинг олдида каловланиб қолади, тавозе қилади? Бунга романда асосли жавоб тополмадик.

Китобда, орадан қанча вақт ўтган бўлса-да, Тахмина янада гўзал малика қилиб тасвирланади. Бу ўта мантиқсизлик, шунча ғам, шунча дард, қўғирчоқдек қўлма-қўл бўлиш, тошюрак, бемеҳр аёлнинг гўзаллигини ҳам олиб кетмайдими?

Тахмина фалакнинг гардиши билан Мумтоз ҳофизнинг шаръий (қонуний) хотини бўлгандан кейин ҳам фоҳишаликни фаол давом эттираверади. Унинг Акмал, Ўктам, Қутбиддин, Давлатёр, Ҳаёт кабилар билан бемалол ва ошкора ўйнашиб юриши эрининг кўз олдида ҳам рўй бераверади (аммо у ўзини билмаганга олади). Ёзувчи Тахминанинг бундай ножоиз қилиқларини тўла маъқуллайди. Демак, қаҳрамонига нисбатан муаллиф муносабати бирёқламадир.

Муҳаббат танҳо деб тушунилгани боис тарбиявий аҳамият касб этади. Шундай экан «сермуҳаббат» Тахминанинг саргузаштлари ёшларнинг муҳаббат ҳақидаги муқаддас тасаввурига, адабиётда шу кунгача тасвирлаб келинаётган анъаналарига зид эмасмикан?!

Ўзининг ё яхши, ё ёмон томони билан ибрат бўлмаса, бундай севгини тасвирлаб ўтиришнинг, бундай севги тасвирланган китобни катта тираж билан чиқаришнинг нима ҳожати бор экан, дейсиз. Адабиётда ишонтириш кучи нақадар муҳимдир. Асардаги ҳар бир воқеа худди шундай бўлиши, бошқача бўлиши мумкин эмас, деган ишончни ҳосил қилиши билан қудратлидир. Шу боисдан, бадиий асарда учрайдиган ишончсиз воқеа-ҳодисалар ўқувчининг ғашига тегади. С.Қаҳҳор романида персонажлар ўзларига хос тилда гапирмайди, гўё ўргатиб қўйилган тўтиқушдай ўзганинг фикрини айтадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси жуда доно, билимдон, ўта кўтаринки кайфиятда гапирадилар.

Асарда воқеани ҳикоя қилиш журналист Собир Қаноатга топширилган, бироқ у ўз вазифасини асарнинг бошланишида, тўғрироғи, 1-қисмда тўлароқ бажарган. Кейин эса унинг ўрнига ҳикоячи-муаллиф кириб келади ва учинчи шахс тилидан ҳикоя қила бошлайди. Натижада баён ритми бузилади.

«Дайди қизнинг дафтари»да публицистик элементларнинг мўл-кўллиги бадиийликка жиддий путур етказган. Асарда психологик таҳлил орқали характер динамикасини таъминлашга етарлича эътибор берилмаган. Ёзувчи Тахминанинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини, ундаги психологик ўзгаришлар жараёнини етарлича поэтик таҳлил эта олмаган. Бу эса асардаги асосий қусурни келтириб чиқарган: унда характер мантиғи билан воқелик мантиғи ўртасида номутаносиблик юзага келади, яъни романда воқеалар мантиғи кучайиб қаҳрамонларни етаклаб юради. Характер мантиғи воқеалар ривожига ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Роман якунида ҳамма қаҳрамонлар ҳинд кинофилмларидагидек мурод-мақсадларига етадилар.

Анъанага кўра, ёзувчининг кўз олдида доимо китобхон гавдаланиб туриши лозим. Зеро, ёзувчи ҳамиша китобхон ҳурматини назарда тутиши шарт. Бу борада ўзбек романчилигининг фойдали ўгитларини ёддан чиқармаслик зарур. «Ўтган кунлар»ни ёзар эканман, кўз олдимда ҳар доим ўқувчи оммаси турди», деган эди улуғ адибимиз.

**Фарғона Давлат**
**университети**
**талабалари:**
**Манзура ЖЎРАЕВА,**
**Ойгул МАҲМУДОВА,**
**Муқаддам ҲАЙДАРОВА,**
**Хайрулла НОРХЎЖАЕВ,**
**Илёс СУЛАЙМОНОВ**
**ва бошқалар**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Бугунги адабий жараёндан хабардор китобхонлар элга манзур асарлар ёзилаётганига, улар кетма-кет нашр этилаётганига гувоҳдирлар. Айни пайтда, турли мулоҳазалар, қарама-қарши фикрларни туғдираётган китоблар ҳам чиқиб турибди. Шундай асарлардан бири — ёзувчи Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» романи китобхонлар орасида жиддий мунозарага сабаб бўлди. Юқоридаги икки хил фикр бундан далолатдир.

Сўнгги пайтларда турмушдаги айрим иллатларни қаламга олган асарлар кўпайиб бораётгани, албатта, сир эмас. Бундай асарлар баъзи «оммавий» газеталарда сонма-сон эълон қилиниб, нашриётларда чоп этилиб турибди. Уларнинг қисса ёки роман жанри талабларига қай даражада жавоб бериши, бадиият қонун-қоидаларига нечоғли мослиги эса баҳсли масала бўлиб қолаётир. Бундай китобларнинг муаллифлари, мухлислари аксар ҳолларда уларнинг «ўқишли» эканини, «кўп сонли ўқувчилари бор»лигини рўкач қилишади. «Ўқилаётган китоб» ҳеч қачон адабий жараённинг қиёфасини белгилаган эмас. «Ўқиляпти» деган иқрор эса бундай асарларнинг бадиият мезонларига жавоб беришини англатмайди. Шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз бир-бирига зид фикрларни уйғотган асарлар борасидаги «Бир асар ҳақида икки фикр» рукнимизда мунаққидлар, ижодкорлар ва китобхонларнинг мулоҳазаларини ёритиб боришни давом эттирмоқчимиз.

Юқорида сиз С.Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» асари ҳақида икки хил нуқтаи назарни ифодалаган мақолалар билан танишдингиз. Биринчи мақола муаллифи Ўсарали Нишонов мазкур асар тўғрисида адабиётшунослар айтган танқидий фикрларни ножўя деб ҳисоблайди, романни «истиқлол йилларидаги энг ўқишли асарлардан бири» сифатида таърифлайди ҳамда «асардаги айрим камчиликлар унинг фазилатлари олдида таъкидлашга арзимасдай туюлади», дейди.

Иккинчи — талабалар мақоласида «Дайди қизнинг дафтари» асари роман жанри талабларига жавоб бермаслиги ҳақида далиллаб айтилган мулоҳазалар эътиборга молик. Назаримизда, фарғоналик талабаларнинг ҳар қандай бадиий асарнинг энг муҳим хусусиятларидан бири абадий мавзулар, жумладан, «муҳаббат ҳақидаги муқаддас тасаввурга, адабиётда шу кунгача тасвирлаб келинаётган анъаналарга зид» келмаслиги борасидаги талабларига қўшилиш керак.

Мақоладаги «Зеро, ёзувчи ҳамиша китобхон ҳурматини ёдда тутиши шарт», деган фикрга ҳар қандай бадиий асар китобхон дидини ўтмаслаштирмаслиги, аксинча, тарбиялаши лозим, деган мулоҳазани ҳам қўшиб айтиш мумкин. Зеро, нуқул олди-қочди воқеалар баёнидан иборат асарлар тез-тез пайдо бўлаётир ва «енгил ўқилиши» оқибатида ўқувчилар эстетик дидини пасайтиришга ҳисса қўшаётир. Шу ўринда Гоголни омма даражасига туширмаслик керак, балки оммани Гоголь даражасига кўтариш лозим, деган доно фикрни яна бир бор эслаш лозим.

Албатта, «Дайди қизнинг дафтари» асари ҳақида Ў.Нишоновнинг ижобий мулоҳазалари ва фарғоналик талабаларнинг танқидий қарашлари борасида бир фикрга келиш, хулоса чиқаришни газетхонларга ҳавола этиб, «Бир асар ҳақида икки фикр» рукнимизда кескин мунозараларга сабаб бўлган асарлар таҳлилига бағишланган чиқишларимизни давом эттириш режамизда борлигини таъкидлаб қоламиз.

*Учрашув*

*Кечагидек эсимда, иккинчи курсда таҳсил олиб юрган вақтларим... Имтиҳонлар арафаси... Ўшанда «Инсон қалби ҳақида қисса» филмини кўриш учун ўта инжиқ, қолдирилган дарс соатларининг товонини албатта имтиҳон вақти чиқариб оладиган домланинг дарсини қолдирган эдим. Қандай қилиб бўлмасин филмни кўриш иштиёқи юрагимни ёндирарди. Ўшанда филм ҳайрати, таассуроти олдида, тажанг домланинг дўқ-пўписаси мен учун ўз кучини йўқотган эди.*

*Бу кинофилмдаги Аёл қалбининг кечинмалари олдида ожиз қолган профессор дарди, яъни юраги хаста, бемор шоира ва уни операция қилган жарроҳ билан боғлиқ кучли драматик кўринишга эга бўлган руҳий тўқнашувлар кишининг диққатини тортмасдан қўймас эди. Жисман аёлнинг юрагига малҳам бўлиб, бироқ ўзи билмаган ҳолда унинг қалбини яралаган профессорнинг ўз-ўзи билан курашиши, шоиранинг, умуман уч олижаноб қалб эгаларининг изтироблари ва ўзлари ўртанса-да бир-бирларининг туйғуларини топтамасликлари, мусиқа, табиат манзараси филмнинг негизи бўлса, барча воқеаларни ривожлантириб турувчи бош қаҳрамон — шоиранинг қалбидаги ҳароратнинг кучини кўрсатаётган изтиробларга тўла овозидаги нозик тебранишларда сингиб кетган майин шикасталик киноасарнинг таъсир кучини янада бойитган эди. Аслида бу бетакрор, қадрдон овознинг эгаси беқиёс Римма Аҳмедова эди. Мана шу биргина овоз унинг бой дунёси, шахсиятини акс эттирар ва туйғулар захирасига эга эканлигини кўрсатарди. Мен ўша дамда бу ҳақиқатни ҳис қилардим-у, лекин тўлалигича идрок қила олмас эдим. Идрок қилиш учун вақт керак эди.*

*Гарчи дубляж санъатида икки мингга яқин филмларда иштирок этган бўлса-да, опанинг ўзи қалби лиммо-лим муҳаббатга тўла қаҳрамонлари Наташа Ростова билан Шоира-Аёлни алоҳида меҳр билан эслайди. Улар кўксидаги қалб актриса кўксида ҳам уриб турарди, шунинг учундир бу образлар дарди, туйғулари унга бегона бўлолмас эди. Бу уч АЁЛда қандайдир ранг-баранг инсоний фазилатлар, гоҳида ақлдан-да ўзиб кетадиган ҳиссиёт, қайноқ қалб, муҳаббатининг шоироналиги билан боғлиқ ички уйғунлик бордек туюлади менга. Опанинг маҳзун қиёфасига, кумушга айланган бошига термулиб туриб, дубляж санъатида овози орқали яратган образлари, у иштирок этган спектаклларни кўриб, ўқиган шеърларини тинглаганимда, суҳбатлашганимда шунга амин бўламанки, бу аёлда камдан кам одамга насиб этадиган, ҳар қандай чиройдан-да юксак бўлган руҳий истеъдод бор. Актрисани қандай вазиятда, қай ҳолатда учратма, унинг қиёфасида, оғриқлар ўз ҳукмини ўтказган бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай тош юракни ҳам эритадиган мунислик борлигини тан оласан. У ҳаётнинг талотўпларига ўзининг сукунатлари, сокин ҳайқириғи билан жавоб бериб келяпти. Шунинг билан биргаликда, бу аёл қанчалик камтарин бўлмасин, ўз туйғуларини ҳам ҳурмат қила олади. Ҳамиша ўзига нисбатан маънавий талабни катта қўйиб келганлигидан, гоҳида ўзини ҳам койийди.*

*Римма АҲМЕДОВА:*

# «МУҲАББАТ МЕНИНГ КЎЗИМ БЎЛАДИ...»



— Ижодкор бўлиб мустақил асарлар устида ишлай олмадим. Фақат топширилган, зиммамдаги вазифамни ижро этдим холос, — ***дейди у.*** — Ўйлаб қарасам, бу ҳаётга келиб қилган жиддийроқ ишим, ҳамма қатори уч фарзанд улғайтирдим. Уларни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин... Одамзотнинг ўзи билмас экан олдинда уни ҳаёт ўзининг қанақа даҳшатлари билан кутиб турганини. Дубляжга келсак, саноқли филмлардангина кўнглим тўлади, ўшалардан иккитаси аллақачон йўққа чиққан. «Маугли» билан «Сангам»нинг биринчи нусхаси ўчиб кетган. Уч-тўртта филмни ҳисобламаганда, қолганлари ҳам деярли қўйилаётгани йўқ. Ҳолбуки, актёр сифатида юрагимнинг авра-астарини чиқариб ташлайдиган, кўпроқ меҳнат талаб қиладиган ролларга эҳтиёжим катта эди. Ўтган йилларга назар ташласам, барибир, мен актриса сифатида бахтли эканман. Бахтим шуки, устоз Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Баҳодир Йўлдошевдек ўз касбининг пирига айланган режиссёрлар билан ишлаганман. Уччаласи ҳам бетакрор режиссёрлар. Булар актёр ишончини қозона олган режиссёрлар эди. Шунинг учун ҳам биз образ яратишда кўзлаган мақсадимизга сўзсиз етолардик. Шундай ҳолатлар бўладики, бугун ўз ижроингдан қониқасан, сенда осмонга кўтаргулик қадар ички қанотлар пайдо бўлади. Эртасига нимадир бўлади-ю, кечаги ички парвозлардан асар ҳам кўринмайди. «Эҳ аттанг, мана бу ерини кучлироқ қилишим керак эди» деб ўзингга танбеҳ берасан, лекин аслида томошабин кечаги ролингни қандай қабул қилган бўлса, бугунгисини ҳам шундай қабул қилган бўлади. Чунки режиссёр тўғри йўналиш берган. Шунинг учун ҳам эмоционал жиҳатдан томошабинга тўғри таъсир қилади.



Гинзбург актёрни ўзининг мақсади томон аста-секинлик билан олиб борарди. Қандай бориб қолганингни ўзинг ҳам билмасдинг, гўёки ҳаммасига ўзинг эришаётгандай. У «ҳа яхши, яна бир такрорлайликчи, ёмон эмас» деб бафуржа тушунтирарди. Натижада унинг хоҳлагани, менинг ўйлаганимдек бўлиб чиқар эди. Бу режиссёрнинг эмас, менинг талқинимдек бўларди. Гинзбургнинг актёрлар билан ишлаши, репетиция жараёнлари, актёрларни образ ҳаётига олиб кириши заргарнинг ишига ўхшарди.

Устозим Тошхўжа Хўжаев эса бўлакча. Унинг иш жараёни катта полотноларда, турли бўёқлардан йирик-йирик манзараларни акс эттирадиган рассомнинг ишига ўхшар эди. Яъни Тўла ака аввалига тушунтирардилар. Актёрнинг ижроси қониқтирмаса, Тошхўжаев шартта саҳнага чиқардилар-да, ўзлари ижро этиб берардилар. Албатта, у киши даражасида ҳеч ким ўйнай олмайди, лекин ўшанга қараб интилади. Режиссёр ижроси актёр учун мезон эди. Тўла ака кучли актёр эди. Гинзбург актёр эмасди. У фақат таҳлил қилиб танбеҳ берарди. Муҳими, режиссёр талаб қилаётган нарсани тушуниб, чиқариб бериш керак. Бунинг учун режиссёр актёрдан ҳар томонлама баланд туриши лозим. Агар актёрлар режиссёрдаги кемтикликни сезишса, ижодий жамоа ҳеч қачон шаклланмайди. Режиссёр эса аянчли аҳволга қолади.

Тошхўжа Хўжаев қўлида тарбияланган Баҳодир Йўлдошев, маълум вақт Гинзбург билан ёнма-ён ишлади. Баҳодирнинг илк ишлари ўз даврининг машҳур спектаклларидан бўлган. У театрга шамолдек шовуллаб кириб келди. Шунинг учун ҳам диплом асари Дюманинг «Ажал минораси»ни кўрган Гинзбург «Менга сенинг ёшлигинг, ғайратинг керак, сенга эса менинг кексалигим, тажрибам керак» деб айтган эди. Гоҳида репетицияларига Баҳодирни олиб кирар, унинг фикрларини тингларди. Бундай муносабат — кекса авлод билан ёш авлод, яъни саҳна сардори билан ёш ижодкор орасида жудаям камдан-кам бўладиган ҳолат. Унинг актёрлар билан ишлаш услуби Тўла акам(Тошхўжаев)никига яқин эди. Спектаклни тўлалигича тасаввурига тиклаб олар, унинг якунини ҳам олдиндан кўра оларди. Спектакл воқеалари кўз олдида намоён бўлар, ҳар бир образ-у, эпизодларгача яққол кўрарди-да, тезроқ натижасини кўришга шошилар эди. Тонг ёришмасданоқ ишни бошлаб юборарди. Бунга актёрлар ҳам ўрганишганди. Аввалига актёрни ўз ҳолига қўйиб тушунтирарди. Қарасаки, актёр умуман тушунмаяпти. Саҳнага чиқарди-да, ўзи кўрсатиб берарди. Эмоционал жойларда актёрлар билан бирга йиғларди. Чунки у ҳам устозига ўхшаган кучли актёр. Унинг ижросини кўрган актёр тўғри йўл фақат шу деб ўзига сингдирарди. У имкон қадар буюртма спектакллардан қочар, ўзига, кўнглига таъсир қилган асарнигина саҳнага олиб чиқишга ҳаракат қиларди.

**— Сизнингча, бу режиссёрлик усулларидан актёр учун қай бири қулай ёки муваффақиятлироқ эди?**

— Буни айтиш қийин. Менга уччаловиникиям тушунарли эди. Устозим Тошхўжа Хўжаев репетиция жараёнида, ўтирган жойларидан менинг сўзимни ўзлари истаганча, бақириб айтиб юборардилар. Менга шу онда ҳамма нарса тушунарли бўлар эди. Баҳодирнинг услуби, ижоди менга яқин бўлганлиги учун унинг изланишларини сўзсиз қабул қилардим. Ўша вақтларда «Эксперимент нимага керак, театримизнинг анъаналарига тўғри келмайди-ку» деб эътироз билдирганлар ҳам бўлди. Мен ҳам анъаналарга таяниш тарафдориман, агар у ўз таъсир кучини йўқотмаган бўлса ва театрдаги ижодий ишларни янада юқорига олиб чиқса. Йўлдошев фикрларди. Тафаккур эса чек-чегарани билмайди. Аслини олганда санъаткор номукаммал нарсалар билан келишолмай яшашга маҳкум. Шундагина ижод бўлади. Мослашувчанлик у танлаган йўлга тўғри келмайди. Қолаверса, ҳамма учун умумий бўлган, ҳамма тушунадиган тилда асар саҳналаштиришни, ҳаммалашиб кетган услубни талаб қилиш нотўғри, бу санъатнинг имкониятларини чеклаб қўйишдан бошқа нарса эмас. Ҳар бир режиссёрнинг ўз кўзи, талқини, яъни «дастхати» бўлиши даркор. Чунки томошабин савияси кўлмак сувидек бир жойда қотиб қолмайди. Ўзгариб боради. Театрнинг нуфузини янада кўтарган «Қароқчилар», «Рўйхатларда йўқ» спектакллари ўша изланишлар маҳсули. Бунда бетакрор Бримнинг декорациялари ҳам рол ўйнар эди, афсуски, бугунги авлод саҳнада «Юлдузли тунлар»ни кўрмагансизлар. Ана унда шоҳ ва шоир Бобурни кўрардингизлар.

**— Режиссёр диктатурасига қандай қарайсиз?**

— Агар режиссёр диктатор бўлмаса, дуч келган йўловчи бир-икки кечага тунаб кетадиган карвонсаройдан ҳеч қанақа фарқи қолмайдиган ўлик театр бўлади. Бугун у режиссёр келиб спектакл қўяди, эртага бошқаси. Чунки ҳар бир одам ўзича олам, ўзининг ички қонуниятларига амал қилгани учун ҳам ўзича ҳақ. Мисол учун россиялик машҳур режиссёрлар Мейрхолд, Товстоногов, Захаровларни олайлик. Буларнинг бари диктатор бўлган. Нима учун кўп йиллардан бери Захаров театри яшаб келяпти? Машҳур актёр Абдулов «битта муҳаббатим бор, у ўлгунимча ўзим билан қоладиган ягона муҳаббат— бу Захаровга бўлган муҳаббат» деб бекорга айтмаган. Захаров қўлида икки йилча ишлаган актёрлар, «У бизга ҳеч ҳам овозини кўтармаган, лекин уни кўрсак титраймиз» деб айтишади. Улар бу одамни жудаям ҳурмат қилади, ишонади. Унга сўзсиз бўйсунади. Албатта, мен режиссёр жоҳил, шафқатсиз бўлсин демайман. Биринчи ўринда у актёрларни жон-дилидан севиши керак, шундагина уларнинг тақдирига бефарқ бўлолмайди.

Театр — кичкина мамлакат. У ерда соғлом ва соф муҳит бўлиши, бу муҳитда муҳаббат ва ҳурмат ҳукмрон бўлиши шарт. Ўшандагина фикрини бир-бирига ўтказиш осон бўлади. Буларнинг бари кичкина мамлакатнинг подшоҳи — режиссёрга боғлиқ.

**— Рол тақсимлаётганда режиссёр актёрнинг имкониятларини эътиборга олиши керакдир......**

— Шахсан мен «драматик актёрман, рақсга тушишни, ашула айтишни билмайман» деган гапни тан олмайман. Айнан драматик актёр ҳар тарафлама, синтетик актёр бўлиши керак.

Бу салбий ролларни, бу эса ижобий ролларни ўйнайдиган, буниси қаҳрамонларни ўйнайдиган актёр дейишларига ҳеч қачон қўшилмайман. Актёр биринчи ўринда психолог. Хоҳлайсизми-йўқми, ҳар бир режиссёр сизнинг ташқи кўринишингизга, савиянгизга қарайди.

Шундай вақтлар бўладики, театрга табиатан Гамлетни ўйнайдиган актёр келади. Бундай вазиятларда «Гамлет»ни саҳналаштирмаслик гуноҳ. Лекин Гамлет бўлмаса, театр репертуарининг салмоғини кўтариш ниятида йўқ жойдан Гамлет ясаш, бу Шекспирни увол қилишдир. Истеъдодли актёрларни кашф этиш, қаҳрамонларни юзага чиқариш керак. Лекин бу «қаҳрамон» ясаш дегани эмас.

Афсуски, бизнинг томошабинлар режиссёр бу асарни қандай саҳналаштирибди деб эмас, актёрларни кўргани келади. «Отелло»нинг мазмунини билади, лекин бу актёр Отеллони қандай ижро этибди деб актёр ўйинини кўргани келган томошабин, агар у зийрак бўлса, саҳна декорациясини кузатиб, рассомнинг яхши ишлаганига амин бўлади ва ким саҳналаштирибдийкин дея режиссёрга қизиқа бошлайди. Шундан кейингина режиссер иши кўринади. Масалан, Баҳодир Йўлдошев шу даражага кўтарилган эдики, одамлар актёрларни эмас, режиссёр талқинини кўриш учун театрга тушар эди.

**Давоми олтинчи бетда.**

*Танишув*

***Эркин Худойқулов изланувчан ижодкорлардан бири. Озода Нурсаидованинг «Бегим», Нодир Лутфуллаевнинг «Жасмин» номли яккахон концертлари ҳамда «Жаннат юртим» номли гала концертнинг режиссураси Эркин Худойқуловнинг бетиним изланишлари натижасидир. Кичкинтойларнинг севимли «Олтин тож» кўрсатуви лойиҳаси муаллифи ва бошловчиси айнан шу ижодкор. «Бахтли воқеа» телелотереясининг экран юзини кўришида ҳам Э.Худойқуловнинг хизматлари катта.***

***Э.Худойқулов эстрада хонандаси сифатида ҳам ўз ўрни ва овозига эга санъаткор. У яқинда «Соғинганимсан» номли янги аудиоалбомини мухлислар эътиборига ҳавола этди.***



# ҚЎШИҚНИНГ... ОЗИ ЯХШИ

## кўнгилга хуш наволар

**— Эркин ака, аввало янги аудиоалбом муборак! Суҳбатимизни ана шу тўплам мундарижасидан бошласак.**

— Янги албом миллий эстрада йўналишидаги 14 қўшиқдан иборат. Тўпламни «Классик» овоз ёзиш студиясида ака-ука Дилшод ва Дилмурод Қурбоновлар ҳамда Асрор Отахоновлар билан ҳамкорликда ниҳоясига етказдик. Ундан жой олган «Бой қизи» (А.Карим сўзи), «Сингилжоним» (М.Карим сўзи) сингари кундалик ҳаётга уйғун қўшиқлар мухлисларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддаман.

**— «Тўйинг куни тўйиб йиғладим», «Бешинчи ўғил» сингари қўшиқларингизда мунгли оҳанглар кўпроқ. Бундай оҳангларга мурожаат қилишингизнинг боиси нимада?**

— Менимча, баландпарвоз, тумтароқ сўзлардан иборат қўшиқнинг умри қисқа бўлади. Бир тўйда оппоқ либосдаги келинчакка хомуш термулиб турган йигитга кўзим тушди. Куйлай туриб, яхшироқ разм солсам, йигитнинг киприкларида ёш қотиб қолгандай туюлди. Бу ҳолатдан жуда таъсирландим. Шоир Бобур Бобомурод ҳис-туйғуларимни шундай тарзда шеърга солди:

**Ой тўлин бўлган кеча,**
**Ёр келин бўлган кеча.**
**Юрагимдан айрилдим,**
**Гул кўнглим сўлган кеча.**

**— Тайёр мусиқага буюртма тарзида матн ёздириш хонандалар орасида жуда оммалашиб кетди. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Бу усул менга мутлақо бегона. Дастлаб шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммал шеърни танлайман. Нокамтарликка йўймангу аксарият ҳолларда шоирга мавзу ва ғояни ўзим бераман. Баъзан қўшиқнинг тайёр бўлиши бир неча ойларга чўзилиб кетади. Шунданми, гоҳида Эркинжон у қадар сермаҳсул ижодкор эмас, қабилидаги дашномларни ҳам эшитиб қоламан. Шундай кезларда устоз санъаткор Юнус Ражабийнинг «Кўп бемаза нарса ёзишдан кўра, оз ёзиб, мухлислар кўнглини шод қилиш афзал», деган ўгитлари билан ўзимга тасалли бераман.

**— Шуҳрат — истеъдоднинг душмани, дейишади. Ҳозир айрим ёш хонандалар бирон унвонга сазовор бўлишлари биланоқ ўзларининг ҳаволаниб кетганларини сезмай қоладилар.**

— Истаймизми, йўқми, ижодкорга рағбат керак. Чунки рағбат ва эътибор инсонни янги изланишларга даъват этади. Зиммага маълум маънода масъулият ҳам юклайди. Афсуски, орамизда бундай эътиборни кўтаролмайдиганлар ҳам учраб туради. Аввало, ўзини ва мухлисларини ҳурмат қилган ижодкор кўрсатилган иззат-икромга лойиқ бўлишга, эл-юрт ишончини оқлашга ҳаракат қилиши керак. Халқимиз бежиз «камтарга-камол» деб айтмайди.

**— Қўшиқчиликдаги муаммолар, айниқса, ижодий кўчирмакашлик ҳолларига муносабатингиз қандай?**

— Ҳозир турфа хил оранжировкачилар жуда кўпайиб кетган. Оранжировкачи эса бастакор эмас, безакчи, холос. Кўпчиликни ташвишлантираётган ижодий кўчирмакашликнинг кучайишига ана шулар сабаб бўлаётир. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Санъаткор ҳамма нарсани ўзи яратишга қодир эмас. Бошқалардан, ўзга халқлардан ниманидир олиш айбмас. Фақат уни миллий руҳ билан уйғунлаштириб, сайқаллаб халққа армуғон этиш керак.

**Дилфуза РАСУЛОВА**
**суҳбатлашди.**

# МИЛЛИЙ НАВОЛАР ГУЛДАСТАСИ

Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежининг 80 йиллигига бағишланган концерт дастури анъанавий куй-қўшиқларимиз асосида тузилди. Файзли ва шукуҳли ўтган концертда таниқли санъаткорлар Бекназар Дўстмуродов, Темур Маҳмудов, Ўлмас Расулов, Насиба Сатторова, Ҳуррият Исроилова, Комила Аминова ва коллежнинг истеъдодли талабалари қатнашдилар.



— Ёшларимизнинг мумтоз куй-қўшиқларга қизиқиши тобора ортиб бораяпти. Бу йил республика танловларида қатнашиб лауреат бўлган талабаларимиз Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда қабул қилиндилар, — дейди коллеж анъанавий ижрочилик кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳуррият Исроилова. — Ўйлайманки, бундан буён миллий куй-қўшиқларимиз ижрочилари орасида ёшлар янада кўпаяди.

***СУРАТДА:*** *тадбирдан лавҳа.*

*Акс-садо*

# СУРАТЛАР ЧАНГ БОСМАСИН ДЕСАК...

***«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 26 август сонида санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бош илмий котиби Камола Оқилованинг «Янгича фикрлаш зарурати» мақоласини мутолаа қилиш жараёнида айрим фикрлар туғилдики, бу мулоҳазаларни қоғозга туширишга жазм қилдим.***

Мақолада «...бизда бадиий таълимнинг кўпгина назарий муаммолари ҳамон ечимини кутиб турибди. Масалан, таълим услуби сифатида реализм масаласини олайлик. Бугунги кунда баъзи таълим муассасаларида бу йўналишдан умуман воз кечиш ҳоллари кузатилмоқда», деб санъатшунос олимамиз ниҳоятда долзарб муаммони кўтариб чиқмоқда. Ҳақиқатан ҳам, буни ўқиган ҳар бир рассом гап қандай таълим муассасаси ҳақида бораётганини тез фаҳмлайди.

Сирасини айтганда, тасвирий санъат сирлари ўргатиладиган коллеж ва лицейларда ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳам таълим дастури реалистик тасвир асосларига таянган ҳолда тузилади. Таълим муассасаларининг бирортаси ҳам бу услубдан расман воз кечган эмас.

Гап шундаки, олий ўқув юртига санъат коллежлари ва лицейини тамомлаган ёшлар билан бирга умумтаълим мактабларида таҳсил олган ёшлар ҳужжат топширмоқдалар. Афсуски, кириш имтиҳонларидан ўтолмаганларнинг кўпчилиги махсус тайёргарлик кўрган, мактаб аттестатига эмас, санъат коллежлари ва лицейлар дипломига эга ёшлардир.

Натижада инсон қиёфасини бемалол ўзига (яъни натурага) қараб чиза оладиган учта талаба билан битта хумчани эплаб тасвирлай олмайдиган етти-саккиз, баъзан ундан ҳам ортиқ талаба бирга ўқийди. Демак, дастур тузилади-ю, амалга ошмай қолаверади, реалистик тасвир асосларидан норасмий воз кечилади. Тўғри, жаҳон тасвирий санъат мактаблари андозаси ҳам бор, уларда ҳам ўрта мактабни тугатганларнинг ҳужжати қабул қилинади. Пул тўланса бас, ўқийверишади, деган эътирозлар бўлиши мумкин.

Менга қолса, биз «жаҳон»га қарашимизни эмас, жаҳон биздан андоза ола қолишини маъқул кўрган бўлардим. Қолаверса, ғарб мамлакатларида таълим ва илм ўрнак оладиган даражада бўлганида, собиқ иттифоқ ҳудудидан бошқа мамлакатларга бориб яшаётган неча минглаб олимлар ва ижодкорлар ишсиз қолган бўлардилар. Менимча, бу масала кенгроқ муҳокама қилиниб, тасвирий санъатимиз академиклари, халқ рассомлари, педагог рассомлар, санъатшунос олимларимиз ва Бадиий академиянинг таълим бўйича масъуллари фикр билдирсалар, ёмон бўлмасди.

Шунингдек, К.Оқилова Ўзбекистон маданияти ҳақидаги мақолалар Германиянинг «Vostok», Буюк Британиянинг «The great Silk Road World Magarine» журналларида мунтазам чоп этилиб турганлигини айтиб ўтган. Албатта, бу жуда қувонарли ҳол.

Аммо, шундай диққатга сазовор мақолаларни биз, ўзбекистонлик рассомлар қайси нашрда ўқиймиз? Агар Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Санъат» журнали бор, дейдиган бўлсак, унда тасвирий санъат соҳасидаги муҳим воқеалар уч ойга кечикиб ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил март ойидаги Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги қарорида мазкур академия вазирлик мақоми билан тенг бўлади, деб айтиб ўтилган. Вазирлик мақомидаги маҳкаманинг ҳамон ўз тезкор даврий нашри — газетаси йўқлиги ажабланарли ҳол.

Айнан бугун бизга шундай нашр зарур.

Чунки фақатгина пойтахтда истиқомат қилаётган рассомларнигина эмас, вилоятларда яшаб, ижод қилаётганларни ҳам йил давомида режалаштирилган кўргазмалар рўйхати билан таништириб бориш керак. Шунингдек, кўргазмаларга асарлар танловчи ҳайъатнинг иш соати ва куни кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўшанда бемалол қатнашишимиз мумкин бўлган кўргазма ҳақида, очилиш маросими бўлиб ўтгандан кейин «Ахборот» телекўрсатувидан билиб қолмасдан, олдинроқ хабардор бўламиз.

Ана шундай кўргазмадан кейин муҳокама куни эълон қилиниб, барча қизиққанлар таклиф этилса, намойиш қилинган асарлар ҳақидаги турли фикр-мулоҳазаларни шу газетада чоп этиш имконияти туғилади.

Миллий Рассомлик ва дизайн институти санъатшунослик бўлимини тугатган ёшларнинг энг намунали диплом ишларини, уларнинг илк мақолаларини бериб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки минбари бўлмаган санъатшунос ўсмайди, шаклланмайди.

Шунингдек, Бадиий академияга қарашли бутун бир санъатшунослик институти ҳам борки, бу даргоҳдан не-не санъатшунослик номзодлари ва докторлари етишиб чиқади. Уларнинг тасвирий санъатимиз соҳасидаги кашфиётлари билан мунтазам танишиб борсак, нур устига нур бўларди.

Камолиддин Беҳзод номидаги олий ўқув юртини ҳар йили рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, китоб безаги, ҳайкалтарошлик ва турли-туман «дизайн» рассомлари битириб чиқадилар, уларни жамоатчилик орасида таништириш, ижодларини тарғиб қилиш зарур.

Вафот этган кўплаб забардаст рассомлар, санъатшунослар ҳақида уларнинг хизматларига арзигулик мақолалар мунтазам чоп этилиб турса, ёшлар учун яхшигина мактаб бўларди.

Хусусан, тасвирий санъатимиз пойдеворининг тамал тошини қўйган П.П.Бенков, Уста Ширин Муродов, Шамсрўй Ҳасанова, Чингиз Аҳмаров каби улкан санъаткорларнинг таваллуд саналарини ёд этиб, руҳини шод этадиган нашр бўлиши керак.



Рассомларимизнинг тенг ярми русийзабон эканликлари инобатга олиниб, икки тилда материаллар бериб борадиган махсус нашр зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Эҳтимол, юқоридаги таклифларни ўқиб, рассомларимиз ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, «Гулистон» журналида ва ҳ.к. нашрларда мақолалар босилиб турибди-ку, деган эътирозлар бўлиши мумкин. Аслида биз баъзи нашрлар ўз ташаббуслари билан Бадиий академия кўргазмалар залидан репортажлар ташкил қилаётганларидан, рассомлар ижодини баҳоли қудрат ёритиб келаётганларидан миннатдор бўлишимиз керак.

Гапнинг тўғриси, Бадиий академия бирор обрўли нашрнинг таъсисчилари рўйхатида йўқ. Демак, мавжуд нашрлардан республикамиз тасвирий санъати ҳаётини тезкор ва батафсил ёритишни кутиш ҳам тўғри бўлмас.

Ундан ташқари, ҳар қандай нашр санъатшунос мақоласини ўз ўқувчилари дидига мослаб ёритади. Ҳар бир инсоннинг ўқиш ва тушуниш саводи (яъни адабиётни тушуниш) етти ёшдан бошланади. Оммавий томоша, қўшиқчилик, рақс, театр санъатини тушуниши янада эртароқ, доимий қўйиб қўйилган телевизор экрани ва радиодан, қолаверса, она алласидан бошланади. Аммо тасвирий санъатни тушуниш алоҳида билим талаб қилади. Демак Бадиий академиянинг санъатшунослик борасидаги мақолаларнинг ўткир илмий қирраларини силлиқламай чоп қиладиган ўз нашри бўлиши керак.

Шу ўринда бир гап. Мен ўтган йили ўзим жуда севган обрўли бир журналга (журнал саҳифалари янада бойийди, деган мақсадда) рассомлар Аҳмадали Файзуллаевнинг ҳамда Бахтиёр Маҳкамовларнинг асарларидан фотонусха олиб бордим. Аммо журнал масъул котиби улар таниқли эмас, деб суратларни қабул қилмади. Халқимиз Файзулла Аҳмадалиевни, Бахтиёр Маҳкамовни, Алишер Алиқуловни, Жамол Усмоновни танийдими? Ваҳоланки, бу рассомлар асарлари чет элларда машҳур бўлиб кетган.

Кўпгина шоирона тасвирлар устаси Шаҳноза Абдуллаева, плэнэр (серқуёш тасвир) устаси Шоира Қўзиева ижодини (бу рассомни чет элларда яхши билишса керак), Гўзал Алиматова ва Лайло Жабборовaларнинг асарларини ҳам эл-юртга танитиш керак.

Халқимиз тасвирий санъат соҳасидаги истеъдодли ижодкорларни танимаса, тушунмаса, таништирадиган, реализм билан авангард санъатни фарқлашни ўргатадиган нашр — газетага асос солинадиган вақт келди, назаримда.

Токи, халқимиз тасвирий санъатни чуқур тушунишни ўрганмас экан, бундан кейин ҳам рассомларимизнинг юзлаб гўзал асарлари устахоналарда йиллаб чанг босиб ётаверади. Уларни ҳеч қачон юртдошларимиз сотиб олмайдилар.

Агар шундай нашр дунёга келса, мактаблар, қўшимча таълим муассасаларига (тўгараклар), барча катта-кичик тасвирий санъат мактабларига етиб борадики, эҳтимол, очилиш маросимидан кейин ҳувиллаб ётадиган кўргазма залларига томошабинлар қадам ранжида қилиб қолсалар ҳам ажаб эмас.

**Гулнора РАҲМОН**

